

**Давлат статистика қўмитаси тизими мансабдор шахслари
ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини
бажариш сифатини баҳолаш тизимини ва стандартларини,
самарадорлик мезонларини белгилаш регламенти**

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилиб, давлат статистика тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари (бош, етакчи ва 1-тоифали мутахассислар) фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш тартиби, мезонлари ва муддатларини белгилайди.

1.2. Қуйидаги мансабдор шахслар ва ходимлар фаолияти баҳоланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда – қўмита деб аталади) марказий аппарати бошқарма бошлиқлари, ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва бошқа ходимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий статистика бошқармалари деб аталади) бошлиқлари, ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва бошқа ходимлари;

Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар маркази директори, ўринбосарлари;

шаҳар, туман статистика бўлимлари бошлиқлари ва бошқа ходимлари.

1.3. Давлат статистика қўмитаси тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолиятини баҳолаш ишончлилик, холислик, беғаразлик, қулайлик, очиқ-ойдинлик ва ошкоралик тамойиллари асосида амалга оширилади.

**II. Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг
фаолиятини ўрганиш ва баҳолашнинг мақсад ва вазифалари**

2.1. Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолиятини ўрганиш ва баҳолашнинг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат статистикаси фаолиятининг сифатини яхшилаш, мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг масъулиятини ошириш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

- давлат статистика кузатувлари маълумотларини йиғиб олишнинг тўлиқлигини таъминлаш;

- мансабдор шахслар ва бошқа ходимларининг ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажаришда одоб-ахлоқ қоидаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш;
- қўмита тизими ходимларининг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш;
- қўмита тизими ходимларининг хизмат фаолиятини таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш;
- давлат статистика органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш.

III. Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолиятини ўрганиш ва баҳолашни ташкил этиш

3.1. Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш йилда бир марта, йиллик фаолият натижалари бўйича амалга оширилади.

Баҳолаш ишлари:

қўмита марказий аппарати мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – қўмита раисининг буйруғи билан;

худудий статистика бошқармалари, шаҳар, туман статистика бўлимларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – худудий статистика бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан ташкил этиладиган махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар маркази директори ва унинг ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш қўмитанинг махсус комиссияси томонидан ташкил этилади.

3.2. Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолияти 100 баллик тизим бўйича қуйидагича баҳоланади:

86 баллдан 100 баллгача – намунали;

71 баллдан 85 баллгача – яхши;

55 баллдан 70 баллгача – қониқарли;

0 баллдан 54 баллгача – қониқарсиз.

3.3. Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолиятини баҳолаш мазкур регламентнинг иловасига мувофиқ, Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари бўйича индикаторлар асосида амалга оширилади.

IV. Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари тизими

4.1. Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолияти қуйидаги мезонлар тизими асосида баҳоланади:

статистик маълумотларнинг ўз вақтидалиги, аниқлиги ва ишончлилиги;
ўз лавозим вазифаларига тўлиқ риоя этилиши;

келиб тушган ҳужжатлар, корреспонденциялар ва мурожаатларнинг ўз вақтида, холис ва амалий кўриб чиқилиши;

касб этикаси, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши;
касб маҳорати ва билим даражасини ошириш.

4.2. Ҳар бир мезон бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан олинган маълумотлар асосида, қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолияти самарадорлигини яхлит баҳолаш ўтказилади.

1-мезон. Статистик маълумотларнинг ўз вақтидалиги, аниқлиги ва ишончлилиги

Ушбу мезон ҳўжалик юритувчи субъектлардан давлат статистика ҳисоботларини йиғиб олишнинг тўлиқлиги, бирламчи маълумотларнинг ҳолислиги ва ишончлилиги, тақдим этилган ҳисоботларда хатоларнинг мавжуд эмаслиги, танланма статистик кузатувларни тайёрлаш ва ўтказиш сифати, статистик маълумотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган муддатларда чиқариш индикаторларини ўз ичига олади.

Индикаторларнинг бажарилиши ҳолати қуйидаги тартибда баҳоланади:

Бунда, аввалига ҳар бир ҳисобот шакли бўйича рўйхат (каталог)га нисбатан ҳисобот тақдим этган субъектларни қамраб олиш даражаси ҳисобга олинади, сўнг ушбу кўрсаткичлар муайян ҳудуд бўйича умумлаштирилиб, битта ўртача кўрсаткич сифатида баҳоланади.

Мазкур индикаторни баҳолашда, тақдим этилган давлат статистика ҳисоботлари маълумотларининг бирламчи статистик таҳлили, уларни арифметик ва мантиқий текширишлар натижалари қай даражада амалга оширилганлиги, пировардида Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишларни тўлиқ бажарилганлиги, ўз вақтида ва хатосиз тақдим этилганлиги ҳисобга олинади.

Баҳолаш, ҳисобот даврида белгиланган статистика ишларининг тўлиқ бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги, маълумотлар базасини ўз вақтида тақдим этилганлиги ёки муддатидан кеч тақдим этилиши ҳолатлари, мазкур ишларда хатоликлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, йўл қўйилган хатолар сонидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ушбу индикатор бўйича кўрсаткичлар, давлат статистика ҳисоботлари шакллари бўйича масъул этиб белгиланган бошқармалар, бўлимлар бўйича ушбу бўлинмаларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришлари бўйича амалга оширган ишларига қараб шакллантирилади ва белгиланган жадвал асосида тақдим этилади.

Танланма статистик кузатувларни тайёрлаш ва ўтказиш сифати даражасини баҳолашда, Қўмита томонидан тасдиқланган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури доирасида ўтказилган танланма статистика кузатувларининг белгиланган методология асосида сифатли ва ишончли ўтказилганлиги даражаси ҳисобга олинади.

Мазкур индикатор кўрсаткичи — максимал **20 баллик** тизимда баҳоланади.

2-мезон. Ўз лавозим вазифаларига тўлиқ риоя этилиши

Ушбу мезон қўмита тизимининг мазкур регламент бўйича фаолияти самарадорлиги баҳоланадиган ҳар бир мансабдор шахси ва бошқа ходимининг ҳисобот даврида ўз лавозим вазифаларига тўлиқ риоя этиши, ижроси ўзига юклатилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан қўмита тизимининг ички ҳужжатлари бўйича белгиланган вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва пухта бажариши бўйича баҳолаш индикаторларини ўз ичига олади.

Индикаторларнинг бажарилиши ҳолати қуйидаги тартибда баҳоланади:

Бунда, ҳар бир мансабдор шахс ва бошқа ходимнинг йил давомида ўз лавозим вазифаларини тўлиқ бажарганлиги, унинг фаолиятига нисбатан эътирозларнинг йўқлиги ёки лавозим вазифаларини бажаришда қонунбузилиши ҳолатларига, хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги, унга нисбатан интизомий ва бошқа таъсир чораларини кўрилганлиги ҳисобга олинади.

Мансабдор шахс ва бошқа ходимларнинг мазкур индикаторлар бўйича фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари белгиланган жадвал асосида:

қўмита марказий аппарати мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – қўмита Кадрлар бошқармаси томонидан;

ҳудудий статистика бошқармалари, шаҳар, туман статистика бўлимларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – ҳудудий статистика бошқармаси Ходимлар бўлими томонидан амалга оширилади.

Мазкур индикатор кўрсаткичи – максимал 20 баллик тизимда баҳоланади.

3-мезон. Келиб тушган ҳужжатлар, корреспонденциялар ва мурожаатларнинг ўз вақтида, холис ва амалий кўриб чиқирилиши

Мазкур мезон, қўмита тизимида келиб тушган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари, бошқа норматив-меъёрий ҳужжатлар, корреспонденциялар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида, ўз вақтида, холис ва амалий кўриб чиқирилиши, уларнинг ижроси юзасидан ички ҳужжатлар ва қарорларнинг қабул қилиниши бўйича индикаторларни ўз ичига олади.

Индикаторларни баҳолашда:

мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан назоратга олинган ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши, зарур ҳолларда ички ҳужжатларнинг пухта ва сифатли тайёрланиши;

келиб тушган корреспонденцияларни белгиланган талаб ва муддатларда кўриб чиқирилиши ва ҳал этилиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини пухта, холисона ва беғараз кўриб чиқирилиши, уларда кўтарилган масалаларни амалий ҳал этилиши ҳамда мурожаат эгаларига батафсил ёзма жавобларнинг ўз вақтида етказилиши инобатга олинади.

Мансабдор шахс ва бошқа ходимларнинг мазкур индикаторлар бўйича фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари белгиланган жадвал асосида:

қўмита марказий аппарати мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – қўмитанинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси томонидан;

худудий статистика бошқармалари, шаҳар, туман статистика бўлимларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – худудий статистика бошқармасининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими томонидан амалга оширилади.

Мазкур индикатор кўрсаткичи – максимал 20 баллик тизимда баҳоланади.

4-мезон. Касб этикаси, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши

Ушбу мезон қўмита тизимининг мазкур регламент бўйича фаолияти самарадорлиги баҳоланадиган ҳар бир мансабдор шахси ва бошқа ходимининг эгаллаб турган лавозимида ўз вазифаларини виждонан ва сидқидилдан бажариши, тизим органлари учун тасдиқланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши бўйича индикаторларни ўз ичига олади.

Индикаторларни баҳолашда мансабдор шахс ва бошқа ходимнинг:

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариши; хушмуомала, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши;

ўзига бўйсунувчиларга, ҳисобот топширувчи субъектлар вакилларига, давлат статистика органларига мурожаат қилган юридик шахсларнинг вакилларига ва жисмоний шахсларга нисбатан қўполлик қилмаслиги;

ўзаро муносабатларда, ёзишмаларда, телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали сўзлашувларда мурожаат этувчиларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги инобатга олинади.

Мансабдор шахс ва бошқа ходимларнинг мазкур индикаторлар бўйича фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари белгиланган жадвал асосида:

қўмита марказий аппарати мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – қўмита Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан;

худудий статистика бошқармалари, шаҳар, туман статистика бўлимларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – худудий статистика бошқармасининг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади.

Мазкур индикатор кўрсаткичи – максимал 20 баллик тизимда баҳоланади.

5-мезон. Касб маҳорати ва билим даражасини ошириш

Ушбу мезон қўмита тизимининг мазкур регламент бўйича фаолияти самарадорлиги баҳоланадиган ҳар бир мансабдор шахси ва бошқа ходимининг касбий тайёргарлиги даражаси, касбий маҳорати ва билим даражасини ошириб бориш бўйича индикаторларни ўз ичига олади.

Мазкур индикаторни баҳолашда, тизим мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг махсус ўқув курсларида малака оширганлиги, касб маҳоратини мустақил оширганлиги, курс якунлари бўйича тестдан ўтказиш натижалари, жумладан ахборот-коммуникация технологиялари бўйича махсус тест натижалари, ходимларнинг малака оширишининг даврийлиги, соҳани такомиллаштиришдаги ташаббускорлиги ва хорижий тилларни билиш даражасидан фойдаланилади.

Бунда, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида ҳисобот даврида малака оширган ходимларнинг тест синовлари натижалари асосида билим даражаси, ходимларнинг касбий даражаси ва малакасини икки йилда камида бир марта ошириш тартибига риоя қилинганлиги ҳамда хорижий тилларни ўзлаштирган ходимлар сони инобатга олинади.

Ҳисобот даврида малака оширган ходимларнинг тест синовлари натижалари - Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази томонидан шакллантирилади ва белгиланган жадвал асосида тақдим этилади.

Тизим ходимларининг касбий даражаси ва малакасини икки йилда камида бир марта ошириш тартибига риоя қилинганлиги ҳамда хорижий тилларни ўзлаштирган ходимлар сони тўғрисидаги маълумотлар:

қўмита марказий аппарати мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – қўмита Кадрлар бошқармаси томонидан;

ҳудудий статистика бошқармалари, шаҳар, туман статистика бўлимларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари бўйича – ҳудудий статистика бошқармаси Ходимлар бўлими томонидан шакллантирилади.

Мазкур индикатор кўрсаткичи – максимал 20 баллик тизимда баҳоланади.

V. Қўмита тизими мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг фаолиятини баҳолаш натижалари

5.1. Тайёрланган маълумотларнинг тўлиқлиги, холислиги, ишончлилиги ва пухталиги учун ҳар бир мезон бўйича баҳолаш жадвалларини шакллантириш учун масъул этиб белгиланган тизим бўлинмалари раҳбарлари шахсан жавобгардирлар.

5.2. Ҳар бир мезон бўйича баҳолаш индикаторлари маълумотларини тайёрлаш учун масъул этиб белгиланган тизим бўлинмалари раҳбарлари тайёрланган маълумотларни ҳар йили 10-январгача махсус комиссияларга тақдим этадилар.

5.3. Белгиланган тартибда ва тўлиқ шакллантирилмаган, камчиликлар билан тайёрланган жадваллар қайтадан пухта ишлаб чиқиш учун қўмита тизимининг тегишли бўлинмаларига қайтарилади. Бунда, қўмита тизимининг тегишли бўлинмалари ушбу камчиликларни бир кун ичида бартараф этишлари ва маълумотларни қайтадан тақдим этилишини таъминлашлари лозим.

5.4. Махсус комиссия:

олинган маълумотларни атрафлича таҳлил қилади;

ҳар бир индикатор бўйича, белгиланган жадваллар асосида, алоҳида баҳолаш ишларини ташкил этади;

индикаторлар бўйича баҳолаш натижаларини умумлаштириш орқали тизим органлари мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг ҳисобот йилидаги фаолияти самарадорлигининг яхлит кўрсаткичини шакллантиради;

Ҳайъат (кенгаш) муҳокамасига киритиш учун, умумлаштирилган баҳолаш натижаларини тайёрлайди.

5.5. Баҳолаш натижалари махсус комиссиялар томонидан умумлаштирилиб, ҳар йили январь ойининг 15-санасигача қўмита Ҳайъати, ҳудудий статистика бошқармалари кенгашининг мажлиси муҳокамасига киритилади.

VI. Индикаторлар бўйича белгиланган параметрларнинг бажарилиши натижалари муҳокамасини ташкил этиш

6.1. Қўмита Ҳайъати, ҳудудий статистика бошқармалари кенгаши томонидан, ҳар йили январь ойида:

тизим мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини йил якунлари бўйича баҳолаш натижалари муҳокама қилиб борилади;

муҳокама натижаларига кўра, белгиланган индикаторлар бўйича қониқарсиз баҳо олган тизим мансабдор шахслари ва ходимларига нисбатан шахсий жавобгарлик чоралари белгиланади;

тизим органлари мансабдор шахслари ва ходимлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади.

VII. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Низом талабларига риоя қилмаслик белгиланган тартибда жавобгарликка асос бўлади.

Давлат статистика қўмитаси тизими
мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари
томонидан ўз мансаб ва хизмат
вазифаларини бажариш сифатини баҳолаш
tizimini ва стандартларини, самарадорлик
мезонларини белгилаш регламентига илова

**Давлат статистика қўмитаси тизими мансабдор шахслари
ва ходимлари фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонлари бўйича
кўрсаткичлар**

№	Мезонлар	Кўрсаткичлар	Балл
1.	Статистик маълумотларнинг ўз вақтидалиги, аниқлиги ва ишончилиги	хўжалик юритувчи субъектлардан давлат статистика ҳисоботларини йиғиб олишнинг тўлиқчилиги, бирламчи маълумотларнинг ҳолислиги ва ишончилиги	0-8
		тақдим этилган ҳисоботларда хатоларнинг мавжуд эмаслиги	0-5
		танланма статистик кузатувларни тайёрлаш ва ўтказиш сифати	0-3
		статистик маълумотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган муддатларда чиқариш	0-4
2.	Ўз лавозим вазифаларига тўлиқ риоя этилиши	ҳар бир мансабдор шахс ва бошқа ходимнинг йил давомида ўз лавозим вазифаларини тўлиқ бажарганлиги	0-10
		ижроси ўзига юклатилган меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар, жумладан ички ҳужжатлар бўйича белгиланган вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва пухта бажариши	0-6
		унинг фаолиятига нисбатан эътирозларнинг йўқлиги	0-4
		лавозим вазифаларини бажаришда қонунбузилиши ҳолатларига, хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги	-5
		унга нисбатан интизомий ва бошқа таъсир чораларини кўрилганлиги	-5
3.	Келиб тушган ҳужжатлар, корреспон- денциялар ва мурожаатларнинг ўз вақтида, ҳолис ва амалий кўриб чиқилиши	назоратга олинган ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши, ички ҳужжатларнинг пухта ва сифатли тайёрланиши	0-7
		келиб тушган корреспонденцияларни белгиланган талаб ва муддатларда кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши	0-4
		жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини пухта, ҳолисона ва бегараз кўриб чиқилиши, уларда кўтарилган масалаларни амалий ҳал этилиши, мурожаат эгаларига батафсил ёзма жавобларнинг ўз вақтида етказилиши	0-9
4.	Касб этикаси, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши	ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариши	0-5
		хушмуомала, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши	0-5

№	Мезонлар	Кўрсаткичлар	Балл
		ўзига бўйсунувчиларга, ҳисобот топширувчи субъектлар вакилларига, давлат статистика органларига мурожаат қилган юридик шахсларнинг вакилларига ва жисмоний шахсларга нисбатан қўполлик қилмаслиги	0-5
		ўзаро муносабатларда, ёзишмаларда, телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали сўзлашувларда мурожаат этувчиларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги	0-5
5.	Касб маҳорати ва билим даражасини ошириш	махсус ўқув курсларида малака оширганлиги	0-4
		касб маҳоратини мустақил оширганлиги	0-3
		курс якунлари бўйича, жумладан ахборот-коммуникация технологиялари бўйича махсус тест натижалари	0-6
		малака оширишнинг даврийлиги	0-4
		соҳани такомиллаштиришдаги ташаббускорлиги ва хорижий тилларни билиш даражаси	0-3